# 1997 — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

## ҲИЛПИРАЙВЕР, БАЙРОҒИМ

Бундан етти йил бурунга назар ташлайлик. Эсингиздами, 1991 йилга қадар байрам кунлари кўчалар, майдонларда, бинолар пештоқларида бир рангдаги — қип-қизил байроқлар ҳилпираб турарди. Йўқ, аслида бундай дейиш унчалик тўғри бўлмас. Байроқларнинг биттаси тус қизил, қолган ўн бештасининг ўртароғида бошқа қандайдир рангдаги «Белбоғ» бўларди. Каттакон ўроқ-болға муҳрланган тус қизил байроқ СССР деган истибдод салтанатиники, қолган ўн бешта «эгизак», бир-биридан белбоғининг ранги ва жойлашган ўрни билангина фарқ қиладиган мато эса, унинг «ўгай» фарзандлари — номигагина мавжуд «Иттифоқдош» республикаларники эди. Байроқларнинг «эгизак»лигининг сабаби — уларнинг барчаси бир жойда — Москвада таъсис этилиб, тасдиқлангани, сўнгра республикаларга улашилгани маълум, албатта. Тўғриси, улар орасидан Ўзбекистонга тегишли байроқни ажратиб олиш ҳам қийин эди...

Биз ана шу — инкубатор жўжалари сингари бир хил матолардан бошқа байроқни билмасдик. Бинобарин, бизнинг байроғимизни ҳам ҳеч ким билмасди. Ўзбекистонлик санъаткорлар, спортчилар бирон-бир хорижий мамлакатга борса ҳам, ўша-ўроқболғали қизил байроқ билан борарди. Очиғини айтганда, номига мавжуд бўлса-да, Ўзбекистонимиз байроғи аслида йўқ эди...

*18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси байроғи таъсис этилган кун*

Байроқсиз давлат ҳам бўларканми, дерсиз. Мана, кўриб турибсизки, бўларкан. Йўқ-йўқ, бу гап ҳам унчалик тўғри эмас. Аслида Ўзбекистон деган давлат ҳам йўқ эдику.

Ҳар қандай кишининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлганидек, ҳар бир давлатнинг ҳам «шахси»ни тасдиқловчи тимсоллари бўлади. Давлатники — унинг байроғи, Герби ва Мадҳиясидан иборат бўлади...

(Телевизорда бир спорт мусобақасини кўриб ўтирган эдим. Биласизки, ғолиблик шоҳсупасига чиққан спортчилар тепасига уларнинг давлати байроғи кўтарилади. Бу гал ғолиб спортчи мансуб давлат байроғи кўтарилмади. Ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, ўша давлатнинг байроғи йўқ экан. Ёқамни ушладим: Худо кўрсатмасин)

Бу узоқ даромаддан буромад шуки, биз кўпинча шукр айтишни билмаймиз ёки унутиб қўямиз. Ҳолбуки, олға қадам босишдан олдин ортга бир назар ташлаб қўйиш мутлақо зиён эмас, аксинча кони фойда эканини унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

Хуллас, тарихий 1991 йилга қадар биз ўзга байроқни кўтариб юрганмиз. Ўзга байроқни тавоф қилганмиз. Ўзга байроқни мадҳ этганмиз...

Ниҳоят, тарихий 1991 йилнинг 31 август тонги отди. Президентимиз парламентимиз сессиясида Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Шу кундан ўзимизни таний бошладик. Мустақилликнинг ўтган олти йили мобайнида тикланган қадриятларимиз, буюк аллома аждодларимиз номларининг ўзиёқ жуда кўп нарсадан далолат бериб турибди.

Аслида олти йил нима деган гап. Илгари гувоҳ бўлганмиз: Оддийгина бино ўнлаб йиллар давомида битмай ётарди. Республикамизда мана шу олти йил ичида қурилган улкан заводлар, бинолар, иншоотлар, йўллар, бажарилган ободончилик ишларини кўрган одам ҳайратга тушади.

Фақат улкан салоҳиятга эга бўлган давлатдагина бундай мўъжизалар юз бериши мумкин.

Ана шу давлат — Ўзбекистонимиз мустақиллик йўлига кириши биланоқ ўз қиёфасини тиклашга, ўз «паспорт маълумотлари»ни барпо этишга киришди. МДҲдаги давлатлар ўртасида биринчилардан бўлиб ўзининг Конституцияси, ўзининг Байроғи, ўзининг Герби, ўзининг Мадҳиясига эга бўлди.

Гап байроқ ҳақида.

Илгари ҳукумат биноси томининг икки четида албатта иккита — баландроқда СССР байроғи, пастроқда эса Ўзбекистон байроғи осилиб турарди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, шу ҳолнинг ўзи ҳам мустамлакачилик тузумининг бир кўриниши экани аён бўларди. Бугунги кунда эса, Худога шукр, барча расмий идораларимиз биноси тепасида янги Ўзбекистоннинг янги байроғи танҳо ва мағрур ҳилпираб турибди.

Ўзбекистон байроғи муҳташам «Туркистон» саройи пештоқига зарб этилган.

Ўзбекистон байроғи республикамизнинг ҳамма жойида салобат тўкиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз байроғи фақат Ўзбекистондагина ҳилпираётгани йўқ.

Байроғимиз Президентимиз сафар қилган давлатларда, хориждаги элчихоналаримиз, юртимиз вакиллари иштирок этаётган кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилаётган жойларда ҳилпираб турибди.

Ҳозир Тошкентда ёки Ўзбекистонимиз бошқа шаҳарларида халқаро тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилаётганида жаҳондаги турли мамлакатларнинг ҳилпираб турган байроқларини кўриб, кўзингиз қувонади. Уларнинг ранг-баранглигини кўриб, олам қандай ранг-баранг, гўзал эканига амин бўласиз.

Демак, байроғимиз давлатимиз қиёфасини белгиловчи тимсоллардан бири бўлибгина қолмай, бизга оламни очиб берган барчамизни унинг гўзаллигидан баҳраманд этаётган омиллардан бири ҳам экан...

... Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ишланган «Кўнгил кўчалари» видеофильмида бир эпизод бор. Фильм қаҳрамонларидан бири кинотеатр ёнидан ўтиб кетаётиб, майдондаги байроқ дастасига ўралиб қолганини кўради. У ён-верига қараб, ҳеч кимни тополмагач, кассага киради. Кассир аёл: «Сизга нечта билет керак» деб сўрайди. Қаҳрамон: «Байроқ дастасига ўралиб қолибди, раҳбарларингизга айтиб қўйсангиз, уни тўғрилаб қўйишса, — дейди. — Ахир байроқ ҳилпираб туриши керак-да», кассир аёл унга ҳайрон бўлиб қараб қолади-да: «Ўзингиз ким бўласиз» деб сўрайди. «Бунинг нима дахли бор, — дейди қаҳрамон жилмайиб. — Мен оддий бир фуқароман»... Сўнг ўша байроқнинг ҳилпираб тургани намоён бўлади.

Биз барчамиз мустақил Ватанимиз рамзи бўлган байроғимизга ана шундай муносабатда бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Ватаннинг ҳар қарич ери, ҳар бир тимсоли ҳам Ватан. Унга содиқ, унга фидо бўлиб яшайлик.

Ҳилпирайвер, байроғим

**М. ХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Қарор ва ижро*

## ИШ ҲАҚИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАРҚАТИЛЯПТИ

***Самарқандлик пахтакорлар жорий йилда катта муваффақият қозондилар. Давлат қабул пунктларига 250 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди. Йил давомида қилинган фидокорона меҳнат, иш юритишда янги, истиқболли усуллар қўлланилганлиги, агротехника қоидаларига қатъий амал қилинганлиги боис режа ўз вақтида уддаланди.***

***Теримчиларга ўз вақтида иш ҳақи бериб борилганлиги ҳам қўлга киритилган ютуқлар омилларидан бири ҳисобланади. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан 14 октябрдан бошлаб теримчиларнинг манфаатдорлиги оширилди. Барча туманларда ҳар бир килограмм саранжомланган пахта учун тўрт сўмдан ва иш ҳақини ҳар куни бериб бориш йўлга қўйилди. Йиғим-терим мавсуми иштирокчиларини маблағ билан таъминлаш, уларга молиявий хизмат кўрсатишда республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»и вилоят бўлими жамоасининг алоҳида ҳиссаси бор. Молиявий муассаса теримчиларга намунали хизмат кўрсатиб, суръатнинг ошишига катта ёрдам берди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ишда дастуриламал бўлди. Қарорда кўрсатилганидек, иш ҳақи дастлаб ҳар беш кунда бериб борилди. Теримчиларни нақд пул билан таъминлашда ҳам узилишларга йўл қўйилмади. Биз «Пахта-банк»нинг Самарқанд вилояти бўлими бошқарувчиси Фахриддин Ҳамроев билан пахтакорларга кўрсатилаётган молиявий хизмат, Вазирлар Маҳкамасининг қарори қандай ижро этилаётганлиги ва ушбу муҳим ҳужжатнинг режа уддаланишига қўшган ҳиссаси ва банк олдига қўйилган вазифалар қандай уддаланаётганлиги тўғрисида суҳбатлашдик.***

**— Фахриддин Бердиқулович, пахта терими мавсуми бошланиши олдидан матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатда Сиз раҳбарлик қилаётган молиявий муассаса олдига ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар қўйилди. Қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, мавсумни муваффақиятли ўтказиш, теримчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасида нима ишлар қилинди?**

— Ҳукумат қарори чиққанидан кейин биз вилоят ҳокимлиги билан келишган ҳолда олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш бўйича штаб туздик. Вилоят банкидан унга етти киши аъзо қилиб киритилди. Худди шундай штаблар ҳар бир туман банкида ҳам ташкил қилинди. Уларнинг вазифаси олдимизга қўйилган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш қилиб белгиланди.

Пахта йиғим-терими мавсумига намунали молия хизмати кўрсатишга тайёр ҳолда киришдик. Теримчиларга 14 октябргача бўлган даврда ҳар беш кунда иш ҳақи бериб борилди. Бу борада бирон бир узилишга йўл қўйилмади. Теримчиларнинг пули пахтазорда тарқатилди. 14 октябрдан кейин эса вилоят ҳокимлигининг қарорига кўра ҳар бир килограмм терилган хом ашё учун 4 сўмдан ва иш ҳақини ҳар куни беришга қарор қилинди. Бу табиийки, терим иштирокчиларининг манфаатдорлигини ошириб, кунлик суръатнинг кўтарилишига ёрдам берди.

Жорий йилнинг 30 октябрига қадар теримчиларга қарийб 901,5 миллион сўм миқдорида пул берилди. Шу билан бирга саранжомланган хом ашёни қуритиш, ортиш билан банд бўлган ишчилар ва уни қабул пунктларига транспортда етказиб берган тракторчиларга ҳам иш ҳақи ҳукумат қарорида кўрсатилганидек ҳар беш кунда берилялти. Бу табиийки, вилоятимиз режасининг бажарилишига катта ёрдам берди. Деҳқонларимиз давлатга 250 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёсини сотиб, зиммаларидаги топшириқни шараф билан бажардилар. Биз ушбу ғалабада жамоанинг ҳам маълум миқдорда ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

**— Иш ҳақининг ҳар куни бериб борилиши ва саранжомланган пахтанинг килограммига тўрт сўмдан пул берилиши, албатта терим суръатини оширишга ёрдам бериши шубҳасиз. Нақд пул масаласида муаммо бўлмаяптими? Бунинг учун қайси манбалардан фойдаланилди?**

— Саволингиз жуда ўринли. Пахтакорларни ҳар куни нақд пул билан таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўрдик. Энг эътиборли томони шундаки, биз бунинг уддасидан чиқаяпмиз ҳам. Бунинг учун нақд пул тушадиган мижозларимизнинг маблағлари шунга йўналтирилди. Бундай мижозларга савдо ташкилотлари, маиший тармоқларда хизмат кўрсатувчи ва умумий овқатланиш шохобчалари киради. Шу билан бирга бошқа молия муассасаларидаги нақд пул тушумлари ҳам терим мавсуми учун йўналтирилди.

Ҳар бир килограмм пахта учун тўрт сўмдан ҳақ тўлаш йўлга қўйилгандан кейин терим суръати сезиларли даражада кўтарилди. Ҳеч қандай ташвиқотсиз одамларнинг ўзлари далага чиқишди. Илғор теримчиларнинг ҳар бири ҳозиргача 20-22 минг сўмгача иш ҳақи олишди. Хуллас, ишимизга шу кунгача ҳеч бир киши эътироз билдиргани йўқ.

**— Фахриддин Бердиқулович, дебитор-кредитор қарзларнинг бартараф этилиши халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлайди. Шу билан бирга корхона, хўжалик ва ташкилот иқтисодиёти мустаҳкамланишига ёрдам беради. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда ва натижалари қандай бўлмоқда?**

— Насияга мол бермаслик, яъни жамоаларнинг бир-биридан қарз бўлиб қолмай иш юритиши шу куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Буни биринчи галда биз мижозларимиз ҳисобланган жамоаларнинг раҳбарларига тушунтиряпмиз. Шу билан бирга уларнинг фаолияти ҳам назоратга олинган. Бу борадаги Президентнинг фармонлари, ҳукуматнинг қарорларига ҳам қатъий амал қилинмоқда.

Дебитор-кредитор қарзларни бартараф этиш бўйича ҳар ойда банкнинг барча бўлимларида ягона молиявий кунлар ўтказилиб турилибди. Шу билан бирга қарзларнинг ҳосил бўлиш сабаблари ҳам атрофлича ўрганилмоқда. Бу борада уларга аниқ ёрдам берилялти. Шу боис қарзлар миқдори камайиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида дебитор қарзлар 1008 миллион сўмга, кредитор қарзлар 1664 миллион сўмга камайтирилди.

**— Кейинги вақтда Президентимиз, ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигига ғамхўрликни кучайтирмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра етиштирилаётган пахта, ғалла ҳосили учун олдиндан аванс берилиши, хўжаликлар қарзларининг 2000 йилгача кечиктирилиши, марказлашган ҳолда имтиёзли кредитларнинг ажратилиши фикримизнинг далилидир. Банкнинг мижозларга бераётган кредитлари тўғрисида тўхталсангиз?**

— Дарҳақиқат шундай. Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор бериб, ғамхўрликни кучайтирмоқда. Президентимиз халқ хўжалигидаги ишларнинг бориши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг самарасига боғлиқ, деб бир неча бор таъкидлаганлиги бежиз эмас. Жорий йилнинг тўққиз ойида банк томонидан 960,8 миллион сўм кредит ажратилган бўлиб, унинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи ташкилотларига берилди. Шу билан бирга уларга ажратилаётган маблағларнинг кўпгина қисми имтиёзли кредит ҳисобланади. Шу боис вилоят хўжаликлари учун зарур бўлган минерал ўғит, техника ва бошқа зарур бўлган воситалар сотиб олинмоқда.

Мақсадимиз қишлоқ хўжалигига кўрсатилаётган хизмат сифатини янада ошириш ва унинг турларини кўпайтиришдир. Боиси мижозларимизнинг иқтисодий аҳволи қанчалик яхши бўлса, у олинган кредит ва унинг фоизларини тўлаш қобилиятига эга бўлади. Бундай жамоалар билан ишлаш бизга ҳам қулай ҳисобланади.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**Ўрта Чирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида фақат пахтачиликдагина эмас, чорвачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Чорвадорлар шу йилнинг ўн ойи давомида 140 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига ўртача 8 литрдан сут соғиб олишга эришдилар. Шу даврда олинган бузоқлар сони 123 тага етди.**

**— Ҳар йили ем-хашак базаси мустаҳкамланаётгани, 380 бош қорамол белгиланган меъёр асосида парвариш қилинаётгани ва хизматчиларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилгани туфайли яхши натижалар қўлга киритилмоқда, — дейди ферма мудири Муҳиддин Ғафуров.**

**Фермада 276 тонна беда пичани, 115 тонна сомон, 30 тонна табиий пичан жамғарилди. Хўжаликда давлатга пахта топшириш йиллик режаси ортиғи билан адо этилгани туфайли озуқа-ем базасини мустаҳкамлашда қийинчиликлар бўлмаяпти.**

**Маҳсулдорликни оширишда Абдулла Акбаров, Абдуқаюм, Абдуқодир Эргашевлар, Салим Галиев, Бахтиёр Абдуқаххоров, Азиз Худойбердиев каби молбоқарлар, Ҳидоят Зокирова, Зуҳра Халилова каби сут соғувчилар бошқаларга ибрат кўрсатмоқдалар.**

**Суратларда: (чапдан ўнгга) молбоқарлардан Абдуқодир Эргашев, Абдулла Акбаров, ферма мудири Муҳиддин Ғафуров ҳамда ем-хашак ташувчи тракторчи Баҳодир Абдиевларни кўриб турибсиз.**

**Владимир ГРАНКИН олган суратлар.**

## ЖОНДОРДА БАЛИҚ НЕГА ТАНҚИС

**Туман марказида жойлашган мўъжазгина деҳқон бозоридамиз. Ҳордиқ куни бўлгани учунми, атроф одамларга тўлиқ. Республикамизнинг бошқа жойларида бўлгани каби бу бозорда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сероб. Атрофда тўкинчилик, арзончилик, одамлар эмин-эркин бозор қилишмоқда. Диққатимиз навбатда турган кишиларга тушди. Қандайдир камёб буюм сотилаяпти деб ўйлагандик. Бориб қарасак, оддий балиқ сотилаяпти. Одамлар унча катта бўлмаган кафтдек йирикликдаги балиқларни килограммни 250 сўмдан талашиб харид қилишмоқда.**

**— Тортишманглар, икки-уч кундан кейин яна келтираман, — деб навбатда турганларни тинчитади сотувчи йигит. «Нега балиқ бу қадар қиммат?» деган саволимизга у ўттиз километр масофа босиб Қоракўлдан келганини пеш қилди. Жондор деҳқон бозорига қўшни туманлардан балиқ келтириб сотиш одат тусини олган. У ҳам аҳён-аҳёнда содир бўлади. Районда балиқ маҳсулотлари танқислиги сурункали тус олган. Наҳотки бу ҳудудда балиқчиликни ривожлантириш, аҳолига етарли миқдорда балиқ етказиб беришнинг иложи бўлмаса? Ёҳуд бу ерда балиқ ўстириш ҳавзаларини ташкил қилиш учун ер-сув танқислиги борми?**

**Районда балиқчиликни ривожлантириш ўчун зарур шарт-шароит керагидан ортиқроқ даражада. Балиқ етиштириш учун бу ердаги мавжуд қулайликларга фақат ҳавас қилиш мумкин. Агарда бу очилмаган хазинадан фойдаланиш йўлга қўйилса, Жондор нафақат ўзини, балки узоқ-яқин қўшни туманларга ҳам бу маҳсулотни жўнатиши мумкин.**

**— Жондор тумани ҳудудидаги мавжуд катта-кичик кўлларнинг умумий сатҳи 100 гектардан ошади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган, қамиш босган бу кўллардан билиб фойдаланилса, улар битмас-туганмас балиқ кони бўлиб хизмат қилиши турган гап. Бу бебаҳо табиий имкониятлардан фойдаланиш негадир тадбиркорлар назаридан четда қолаяпти.**

**Туманда балиқчиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган бундай омилу имкониятлар фақат ушбу кўллардан иборат эмас. Зарафшон дарёсининг ўзанида яширинган имкониятлар янада қулай. Зарафшон дарёси ирмоғи тумандаги хўжаликлар майдонини оралаб 40 километр масофа босади. Дарёда сув жуда оз, лекин ўзан кенг, айрим жойларда соҳил оралиғи 1 километрга чўзилиб кетган. Ана шу катта майдонни банд қилган ўзан бўйлаб қанчалар йирик балиқчилик ҳавзалари барпо қилиш мумкин. Ҳақиқий тадбиркорга бундан ортиқ яна нима керак? Уларга саъй-ҳаракат,ҳафсала бўлса бас. Нега бу ишни қилаяпсизлар деб ҳеч ким уларнинг йўлини тўсмайди. Аксинча қўллаб-қувватлашади.**

**Бозор шароитида ишлаб чиқаришни талаб-эҳтиёж белгилайди, талабдан келиб чиқиб маҳсулот тайёрланади. Жондорда балиқ ва балиқ маҳсулотларига талаб ниҳоятда баланд. Аҳолининг балиққа бўлган талабини ким қондиради? Районда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлар палатаси ана шу нақд хазинага эътибор қаратмай келаётгани кишини таажжубга солади. Балким улар юқоридан махсус кўрсатма берилишини кутишаётгандир. Ҳозир қўл қовуштириб ўтириш фурсати эмас. Яхши тадбиркор элга мададкор, дейдилар. Районда ишсиз юрган кишилар топилади. Уларга ишчи ўринларини сиз яратиб бермасангиз, ким бу ишни қилади?**

У. НАВРЎЗОВ,
Б. ҚАҲҲОРОВ.

## ЭРТАНИНГ УМИДИ

Жўра акани илк бор вилоят фаоллар йиғинида кўргандим. Йиғинда кўп одам сўзга чиққанди ўшанда. Аммо ҳаммаси ҳам вилоят қишлоқ хўжалигидаги муаммони кўтариб, аниқ таклифини Жўра акадек дадил айтмаган эди. У куюниб хўжаликнинг 50-60 фоиз ери шўрланганини, зовурлар тўлиб кетганини, зах сувлар тортилмаётганини, мелиорация ва ирригация ишларига етарли аҳамият берилмай қўйилганини таъкидлаган эди. Хуллас, раис тилга олган муаммолар кўпчиликнинг дилидаги гаплар эди.

РАИС ҲИКОЯСИ: Юртбошимиз ташаббус кўрсатиб, қишлоқ хўжалигини атрофлича таҳлил қилиб қандай қилса уни ривожлантириш мумкин деган долзарб масалани ўртага қўйдилар.

Куйиб-ёниб ишламасак, эртага аҳволни ўнглаш қийин кечади. Тўғри, ҳеч ким четдан келиб камчилигимизни тузатиб бермайди. Ҳаммасини ўзимиз бажаришимиз шарт. Фақат бу ишларни кўпнинг кенгаши, маслаҳатига қулоқ солиб, ота-боболаримиз тўплаган бой тажрибаси асосида амалга оширишимиз лозим.

Раисликка сайланган кезларим очиғи, жуда қийналдим. Эплай оламанми, йўқми деб кўп ўйладим. Чунки унгача асосан ҳисоб-китоб, иқтисод масалалари билан шуғулланганим боис раҳбарликда ҳали тажрибам йўқ эди. Ниҳоят, катта-кичик ишондими эплайман деган қатъий қарорга келдим. Демак, хўжалик ер шароитини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш аввало менинг зиммамда экан, ҳар қанча қийин бўлмасин жамоа аъзолари ҳамжиҳатлигида ишни охирига етказишга аҳд қилдим.

Хўжаликда бу йил 654 гектар ерда пахта етиштирилди. 23 октябргача Чиноз пахта тозалаш корхонасига 1650 тоннага яқин хом ашё топширилди. Оқ олтиннинг 80 фоизи юқори навларга қабул қилинди. Жамоа аъзолари давлатга яна 200 тонна жавоҳир сотиб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш ниятидалар.

Дарҳақиқат, жами муваффақиятнинг омили меҳнатда. Сидқидил интилганга ўзи етказади дейишади. Ж. Абдуназаров ернинг ҳар қаричини, шароитни ҳисобга олиб экин парваришини ташкил этди. Дала юмушларини муддатида ўтказди. Ҳосилни эрта йиғиштирди. Буни Баҳриддин Жураев етакчи бригада мисолида ҳам кўриш мўмкин. Заршунослар 40 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Очиқ майдонларда парваришланган экин ҳосили ҳам плёнка остидагиси билан қарийб баравар етилди. Бригада азаматлари биринчи октябрдаёқ топшириқни қойиллатишди. Чинозда манаман деганларнинг кўпини ортда қолдиришди. Гектаридан ўртача йиғиштирилган дур 35 центнердан-га яқинлашди.

Четдан ҳашарчи олишмади. Пахта пули ўзларида қолди. Ҳатто терим машиналарини қўшни хўжаликларга ёрдамга юборишди. Серғайрат теримчилар М. Бегова, Ҳ. Зокирова, А. Шарипова, О. Ташенов, И. Бойназаров, Қ. Ирисбоевлар мавсумда пешқадамлар сафида бормоқдалар. Уларнинг ҳозиргача хирмонга тўккан пахтаси 5—6 тоннадан ошди.

Муваффақиятнинг яна бир сири, экин майдонлари оилавий ижарачилар тасарруфида. Ер меники деган тушунча эгалари кўнглини хотиржам қилган. Ғалла майдонлари 5 гектаргача, пахта 3 гектаргача тақсимланган.

РАИС ҲИКОЯСИ: Ҳамма жойида биринчи ўринда моддий манфаатдорлик туради. Биринчи октябрдан ҳар 50 кило пахта терган теримчи ишлаб чиқарилган нархда пахта ёғи олишини эълон қилдик. Шу боис терим суръати тушмади. Ундан ташқари 1995 йилда топширган ортиқча толамиз ҳисобига тушган 2,5 миллион сўм пулни қўшимча маош сифатида тарқатдик. Аъзолар ойма-ой меҳнат ҳақларини олишаяпти. Бирон ташкилотдан қарзимиз йўқ. Яқинда мулкчиликнинг пай усулига ўтамиз. Ҳозир кимнинг қанча улуши бор, аниқланаяпти. Керакли ҳужжатлар тайёрланаяпти. Соҳани ривожлантириш, деҳқонни бой қилишнинг энг мақбул йўли шу.

Охирги икки йилда хонадонлар тўла газлаштирилди. 400 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди. Чекка қишлоқларга ичимлик суви келтирилаяпти. Қишлоқ шифокорлик пункти қурилишига тараддуд кўрилмоқда.

У ерда кўм-кўк ғалла майсаларини кўрган кишининг ҳаваси келади. 501 гектарга кузги ғалла экилган эди. 200 гектардагиси бир қарич бўлиб қолди. Кўчатлари бақувват. 300 гектардан зиёд ердаги экин суғорилди. «Уруғ сара, экиш пайтида ўғит берилди, вақтида суғорилаяпти, ниятимизга етказса, 50 центнердан кам бўлмайди», дейди у.

Чиноз туманидаги мазкур Собир Раҳимов номли жамоа хўжаликда катта-кичик билан гурунглашдик. Қайтишимизда теримчилар тушликка келишаётган эди. Юзларида мамнунлик ифодаси. Демак, ишлари яхши, эртанги кундан кўнгиллари тўқ. Инсон учун энг муҳими ҳам шу аслида.

**Р. РАВШАНОВ.**

